



Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил

26 ноябрь

ШАНБА

№ 93

(12.417)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ – ЁШЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллиги муносабати билан ташкил этилган "Конституция – бахтимиз пойдевори" республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия вазирликлари, Маънавият тарғибот маркази, "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танловда умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш жараёнида ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Юртимиздаги барча таълим масканларида Асосий Қонуниимизнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдириш мақсадида турли кўрик-танловлар, викториналар, интеллектуал беллашувлар, ҳуқуқшунослар, олимлар ва маънавият тар-

ғиботчилари иштирокида давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил этилмоқда. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Конституция – бахтимиз пойдевори" республика кўрик-танлови ҳам ана шундай тадбирлардандир.

Танлов якунига кўра, Бекобод шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси Диёра Болибекова Конституция мазмун-моҳиятини ишоларда ифодалаш бўйича ғолибликни қўлга киритди. Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-умумтаълим мактаби жамоаси эса давлатимиз Асосий Қонунини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар акс этган видеороликлар йўналишида биринчи ўринни эгаллади. Конституцияда белгиланган қоидалар асосида тайёрланган энг яхши тасвирий воситалар номинациясида Оҳангарон туманидаги 56-мактаб ўқувчиси Дилшод Йўлчиев ғолиб бўлди.

Ғолиблар кўрик-танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.



СУРАТДА: Чиноз туманидаги хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт коллежи талабалари Мафтуна Раҳмонова ва Диёра Ҳужаева.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон ва Покистон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, кимё, со-

лиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, қурилиш ҳамда машинасозлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН-ПОКИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

Анжуманда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон-Покистон савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларининг ҳуқуқий асосини даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал ҳоқлари тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва химоя қилиш, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамда божхона соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ташкил этди.

Мамлакатимизда покистонлик сармоядорлар иштирокида ташкилланган 68 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мамлакатнинг ўнга яқин фирмага ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

Покистон савдо-саноат палаталари федерацияси президенти, ушбу мамлакатнинг Миллий Ассамблеяси аъзоси, сенатор Ҳожи Ғулом Али Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

– Покистон Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда, – деди Ҳожи Ғулом Али. – Биз, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдоримиз. Покистон иш одамларининг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқиши тобора кучайиб бораётган.

Анжуманда Покистоннинг йигирмадан зиёд компаниясидан вакиллар иштирок этди. Хусусан, "Weave and Knit", "Taimur Spinning" (тўқимачилик), "Syntex Pharma" (фармацевтика), "Indus Pipe Mill Thatta Cement" (қурилиш) каби компаниялар Ўзбекистон бозоридagi ўз фаолиятини кенгайтириш ниятида эканлиги қайд этилди.

Покистонлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Мехмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишди.

Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиги янада ривожлантириш, Покистон компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ўртасида савдо-иқтисодий, илмий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР ТАНЛОВИ

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا ўтказилаётган кўрик-танловнинг Тошкент вилояти босқичи якунланди. Унда 98 нафар қиз адабиёт, санъат, маданият, таълим ва фан йўналишлари бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

Тадбир доирасида иштирокчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан жой олган халқ амалий санъати ва хунармандчилиги намуналари барчада катта қизиқиш уйғотди. Иштирокчиларнинг ижодий ишлари ёшларимизнинг замонавий илм-фан ва маданият ютуқларидан кенг баҳраманд бўлаётганини, миллий қадриятларимизга чуқур ҳурмат руҳида камол топаётганини ўзида ёрқин намойиш этди.

– Болалигимдан миллий

қўшиқчилик санъатига қизиқман, – дейди Бекобод шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби ўқувчиси Замира Муродова. – Давлатимиз томонидан бизга яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, келажакда ушбу йўналишдаги билимимни янада ошириш ва санъат соҳасида ўз ўрнини топиш мақсадида изланмоқдам.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мамлака-

тимизда турли йўналишлар бўйича ижод қилаётган изланувчан, фаол, ташаббускор, иқтидорли қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашда, уларни янги ижодий ютуқлар сари рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва. – Қизлар ўртасида ушбу танловда қатнашишга интилиш йилдан-йил ортиб бораётган. Танловнинг шахар ва туман босқичларида минг нафардан зиёд қиз иштирок этгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Истеъдодли қизлар орасидан сараланган ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 18-модда)

Осмони мусаффо, тинч ва осуда, одамлари шукроналик, ҳаётдан мамнуният туйғуси билан яшаётган мамлакатда тараққиёт бўлади, халқ бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари билан банд бўлади, турмушига файзу барака инанди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллатлараро ва диний конфессиялараро аҳилликнинг таъминлангани, жамиятимизда бағрикенглик ва меҳр-мурувват муҳити қарор топгани барча соҳалардаги ютуқларимизда муҳим омил бўлмоқда. Миллати, ижтимоий ҳолати, диний эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминлаш, уларнинг таълим олиши, касб-хўнар эгаллаши, саломатлигини мустаҳкамлаши, истеъдодини юзага чиқариши, меҳнат қилиши, муносиб ҳаёт кечириши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган.

Бугун мамлакатимизда бир

юз ўттиздан ортқ миллат ва эллат, қўллаб диний конфессия вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳилликда яшамокда, ягона Ватанимиз – Ўзбекистон тараққиётга хисса қўшмоқда. Мактабларимизда етти тилда таълим берилётгани, оммавий ахборот воситаларининг ўндан ортқ тилларда фаолият кўрсатаётгани Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган тамойилларнинг изчиллик билан амалга татбиқ этилаётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1992 йилда Республика Байналмилал маданият марказининг ташкил этилиши Ўзбекистон бағрикенглик ва мамлакатимизда демократик тамойиллар мустаҳкам қарор топшининг ёрқин ифодаси бўлди. Халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол гоёларига садоқат, миллатлар ва динлараро бағрикенглик руҳида тарбиялаш, диёримизда истиқомат қилаётган турли

халқлар ва эллатларнинг аниқана ва урф-одатларини асраб-авайлаш, уларни янада ривожлантиришга қўмаклашиш мазкур жамоат ташкилотлари фаолиятида устуворлик касб этди. Айни пайтда Республика Байналмилал маданият маркази барча миллий маданият марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ташкилий ва методик ёрдам кўрсатмоқда.

Марказ томонидан мунтазам ўтказилаётган илмий-амалий анжуманлар миллатлараро муносабатларнинг янада ривожланиши, турли миллатларнинг миллий қадриятларини асраб-авайлашга хизмат қилаётган. "Ўзбекистон – умумий уйимиз!", "Шу азиз Ватан – барчамизники!", "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!" мавзусидаги дўстлик фестиваллари, ижодий-маърифий лойиҳалар, концертлар, кўргазмалар миллатлар ўртасидаги тотувлик, аҳилликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда истиқлол йилларида юртимизда қўлга кирити-

лаётган ютуқлар кенг тарғиб этилиб, миллий ва умумбашарий қадриятларнинг мазмун-моҳияти ёшлар қалби ва онгига чуқур етказилмоқда.

– Марказимизда ўзбек ва корей халқларининг урф-одатлари, маданияти, тарихини ўрганишга оид маърифий курслар мунтазам фаолият олиб бормоқда, – дейди Корей миллий маданият маркази раҳбари Николай Ким. – Яқинда ўзбек тилини ўрганиш бўйича ўқув курси ташкил этилди. Корей халқининг мусиқаси ва рақс санъатидан баҳраманд этишда, маданиятлараро мулоқотни ўрнатилиш ва кенгайтиришда "Корё" ашула ва рақс ансамблининг хиссаси катта бўлаётган. "Энг намунали оила" кўрик-танлови, корей халқининг тарихи, болалар бадиий ижодиётига оид кўргазмалар барча ҳамюртларимизга манзур бўлди. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллатлар ўртасидаги тотувлигини, ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган сиёсат нақадар тўғри эканлигининг далилидир.

Виктория Тернових – Поляк миллий маданият маркази қошидаги "Бавельнянки" фольклор ансамбли хо-

нандаси.

– Ўзбекистонда туғилиб, вояга етганим – энг катта бахтим, – дейди Виктория. – Мамлакатимизда ёшларнинг қолиятини юзага чиқариш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янги марралар сари руҳлантиришга қаратилаётган эътибор асосан ёшлардан таркиб топган ансамблимизга фаолиятида ҳам намойиш бўлаётган. Ижодий жамоамиз турли фестиваллар, кўрик-танловлар, концертларда фаол иштирок этмоқда. Унинг фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган. Буларни қадрламоқ, мамлакатимиздаги тинчлик, озо-йишталлик, ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек асраб-авайламоқ – бурчимиздир.

Ҳа, Ўзбекистонда туғилган тараққиёт йўлидан оғишмай дадил одимламоқда. Халқимиз қўзланган мақсадларга етишишда Конституциямизда белгиланган тамойиллар, мамлакатимиздаги тинч ва озоишталлик, фаровон ҳаёт, ҳамюртларимизнинг эртанги кунга бўлган қатъий ишончи, жамиятимиздаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳр-қўшнат муҳити мустаҳкам асос бўлмоқда.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

"Ҳаёт учун!" кўрак беги саратони миллий уюшмаси, "Аёллар Кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Salus Vita" тиббий соғломлаштириш маркази, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида кўрак беги саратонининг олдини олиш, уни барвақт аниқлаш ва даволаш мақсадида Чирчиқ шаҳри ва Қибрай туманида истиқомат қилувчи аёллар ҳамда вилоят Рухий анормал болалар уйида фаолият юритувчи аёллар онкогинеколог, маммолог, УЗИ мутахассислари кўригидан ўтказилди.

Аёллар кўрак беги саратонининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва даволаш тадбирлари 15 декабрда қадар давом этди. Вилоятларда тиббий кўриқлар ўтказиш жамғарма-нинг йирик лойиҳаларидан бири бўлиб, кўрак беги саратонининг олдини олиш, даволаш ҳамда хасталанган аёлларни реабилитация қилиш дастури асосида амалга оширилмоқда.

Сайёра РИХСИЕВА.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

ЁШЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ

Ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, улар онгига соғлом турмуш тарзи тушунчаларини сингдириш, уларда ўз соғлигини асраш учун масъулиятни ошириш мақсадида "Қамолат" ЁИХ вилоят кенгаши Оҳангарон саноат касб-хўнар коллежида "Гигиена" мавзусида семинар-тренинг ўтказди.

Ўқувчиларга гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари, у ҳар йили минглаб одамларни ўз домига тортаётгани, мажруҳ гўдаклар дунёга келаётгани, ёшларни соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилишга ўргатиш, чекиш-

га, шу жумладан, гиёҳвандликка қарши курашиш, зарарли одатлардан воз кечиш масалалари бўйича кенг кўламли маълумот ва маслаҳатлар берилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

«ОКМК» – КУБОК СОҲИБИ

Пойтахтимизда эркаклар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси якунланди. Бу йилги мусобақанинг дастлабки босқичида жамоалар уч гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашди.

Гуруҳ ғолиблари ҳамда иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар ўртасида энг яхши кўрсаткичга эришган битта жамоа плей-оффга йўлланма олди.

Энг кучли тўрт жамоа иштирокидаги ярим финал учрашувларида Тошкент шаҳри шарофитини химоя қилган "Қамолат" волейболчилари мамлакатимизнинг кўп қарра чемпиони "Ўзбектелеком" (Самарқанд) вакиллари 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ик-

кинчи ярим финалда Навоийнинг "Южанин" жамоаси "ОКМК" (Олмалик) волейболчиларига 2:3 ҳисобида имкониятни бериб берди.

Финал босқичида "ОКМК" жамоаси "Қамолат"ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди, Ўзбекистон кубогини қўлга киритди.

Учинчи ўрин учун беллашувида "Ўзбектелеком" вакиллари "Южанин"дан 3:0 ҳисобида устун келди.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

2012 йил учун



ОБУНА

давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

газетаси

индекси – 205.

ҚОМУСИМИЗ БАХТИМИЗ

Республика Таълим марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлаб "Конституциямиз – ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги ва Таълим маркази ҳамкорлигида ташкил этилган йиғилишда Олий Махлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари, Республика Адлия вазирлиги ходимлари ҳамда туман халқ таълими бўлимларининг тарих ва давлат ҳуқуқи асослари фанлари методистлари, ўқитувчи-ушбушунослар иштирок этди.

Семинарда юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларда Конституциямиз муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Бош қомусимизнинг маъно-мазмунини ўрганиш, унинг қоидаларига қатъий риоя қилиб яшаш – ҳар бир фуқароннинг муқаддас бурчи эканлиги ҳамда Конституцияга юртимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини янада бойитиш учун энг муҳим ҳуқуқий кафолат эканлиги эътироф этилди.

"Туркистон-пресс".



нинг ижод намуналарида "Гулсапарлар", "Атиргулар", "Баҳорги гуллар" ва бошқа турли гулларга бағишланган асарлари кўзга таъсирли бўлиб қолган.

Рангтаъсвирчи Дилорам Мамедова манзара ва натюр-морт жанрларида ижод қилади. Унинг асарларида на табиатнинг гўзал манзаралари ўз аксини топган. Кўргазмадаги "Сўқоқ" асарига тоғ ёнбағридаги ўйлар, ни, "Чирчиқ" асарида эса қор билан қопланган тоғ гузал табият манзараларини кўрамиз.

Узбекистон Республикаси

Бошлангич нархи – 49 000 000 сўм.

6. Зангиота тумани Суд ижроҳиялари бўлими томонидан савдога қўйилган:

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманларaro судининг 2010 йил 14 сентябрдаги 1-17050/2010-сонли иккунччи варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Масалбой қ.ф.й., Ёшлик қўчаси, 64-йўда joyлашган, умумий майдони 96,2 м.кв. бўлган уй-joy.

Бошлангич нархи – 80 000 000 сўм.

лар пайтидаёқ бартараф этилди.

Матбуот анжуманида ёнгина қарши қурашиш юзасидан белгиланган дастур ва чора-тадбирларнинг ихросини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлики янада ривожлантиришга оид тақлиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси раҳбарияти журналистларини қизқитирган бarcha саволларга жавоб бердилар.

УМИДА МУХИДДИНОВА.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Ёнгин хавфсизлиги
Бош бошқармаси.

Танловда қатнашшиш учун кўйибдиги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорларнинг малака имтиҳонини тошпирганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини тошпирган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта тошпирганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охири иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини тошпирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2011 йил 21 декабрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48,
236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини АКИБ "Ipoteka Bank"нинг Шайхонтоҳур ф-даги х/р: 20210000200571452138, МФ: 00425. Манзил: Тошкент ш. Мировод т, Амир Темур شوҳқачиси. 19-ўй Телефон: 233-28-52.

УДК 62-50

Шунингдек қуйидаги қуйидаги автотранспорт воситаси савдоси тўхтатилганини маълум қилади! Тошкентнинг 22.10.2011 йилдаги №84(12.408) сонли ҳа

олинган якка тартибдаги тадбиркор Джавхаров
диновичга тегишли бўлган бир дона думалоқ ма-
сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ташкент шаҳар, Олмазор тумани ТСРУИ то
идов Нормат Миржалил ўғли номига якка тарти
лик билан шуғулланиш учун берилган реестр
булган 05-05243 рақамли 03.04.2008 йилда бер
йўлқолганлиги сабабли

Доверенное предприятие "ОМ

Удостоверение о праве труда
в Республике Узбекистан

илда гувоҳнома
билан рўйхатга
ликвидируети

ООО "IMAGINATIVE
TECHNICAL LINE" (И
301667743) сообщает об уменьшении уставного фонда с 621 000 руб.

XXI ва
аср дунёҚИРОЛНИ ҲАҚОРАТЛАБ
ТУРМАГА ТУШДИ

Таиландлик Ампон Тангнопакун мамлакат қиролли Пумипон Адулдетни ҳақоратлаб, SMS тарқатгани учун 20 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилганини маълум қилди АРР агентлиги.

Суд 2010 йил май ойида Тангнопакун ўша пайтдаги мамлакат бош вазири котиби Алхисит Ветчачивага қирол оиласини ҳақорат қилиб, бир неча SMS жўнатганини аниқлади. SMSнинг матни эса ошқор қилинмапти. Шунингдек, 61 ёшли Тангнопакуннинг котиби билан қандай муносабатда эканлиги ҳам баён этилмапти.

Сўкагон фуқаро 2010 йил августда хибсага олинган эди. Судда у ўз айбига иқдор бўлишни рад этди. Тангнопакун адвокатининг сўзларига қараганда, айбланувчи ҳукм устидан шикоят аризаси бериши учун 30 кун вақт бер.

Таиланд давлати қонунларига мувофиқ қирол шаънига қаратилган ҳар қандай ҳақорат қаттиқ жазоланади. Қирол ёки унинг оила аъзоларидан бирини ҳақорат қилганлик учун кўпи билан 15 йиллик қамоқ жазоси тайинланади.

Франция Суриянинг муҳолифатчи Миллий Кенгашини музокаралар бўйича қонуний шерик сифатида тан олди.

МУЗОКАРАЛАР
БЎЙИЧА ҚОНУНИЙ
ШЕРИК

Associated Pressнинг таъкидлашича, Франция ТИВ раҳбари Ален Жюппе Сирия Миллий Кенгаши етакчиси билан Парижда учрашганидан сўнг шунини маълум қилди.

Жюппеннинг ҳикоя қилишича, Франция Европа Иттифоқиға Сурида "ҳавфсизлик зонаси"ни барпо этишни тақдир қилади, токи бу зонада граждон аҳоли ҳимояланиш, муҳолифат эса, қўларини тўшлаш имкониятига эга бўлсин. Шунингдек, вазири Сурия ҳудудида ерда ҳарбий операциялар ўтказиш мумкин эмаслигини таъкидлади.

БМТ Бош Ассамблеясининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Башар Асад ҳукуматининг муҳолифатчиларнинг чиқишларини бостиришга қаратилган ҳаракатини қораловчи қарорни қўпчилик овоз билан қабул қилди.

Суриянинг бир гуруҳ муҳолифатчилари август ойида Стамбулда Миллий Кенгаш тузиш ҳақида эълон қилган эдилар. Ушбу Кенгаш, унинг асосчилари фикрига қараганда, Башар Асад истеъфога чиққанидан сўнг ҳукумат тепасига келиши керак.

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ
КЕЧИКТИРИЛДИ

Миср ички ишлар вазири Мансур ал-Исавий 28 ноябрь кунига белгиланган биринчи босқич умумхалқ сайловини узокроқ муздатга кечиктириш тақдирини билан чиқди.

Reuters агентлигининг маълум қилишича, ал-Исавийнинг мамлакат ҳарбий раҳбарларига йўналтирган ушбу тақлифи бутун Миср бўйлаб олти кундан бери давом этаётган тартибсизликлар пайтига тўғри келди. Илгари мамлакатнинг юқори мансабли раҳбарлари вазири мураккаб бўлишига қарамай, сайлов муддати орқага сурилмаслигини бир неча бор таъкидлаган эдилар.

Қоҳирадаги Таҳрир майдонида 18 ноябрь кунини бошлаб, тезда тартибсизликка айланиб кетган оммавий намойишлар кейинчалик мамлакатнинг бошқа шаҳарларига ҳам ёйилди. Намойишчилар давлатнинг Хусейн Тантавий бошлиқ ҳарбий раҳбарларидан норози эканликларини баён этиб, генералларни ҳукуматнинг фуқаролик институтларини шакллантириш жараёнини атайлаб қўзаётганлигида айблamoқдалар.

Норозиликлар бошланганидан сўнг мамлакатнинг амалда Олий ҳарбий кенгаши бўйсунувчи фуқаролик ҳукумати истеъфого чиққан эди. Ўз навбатида Тантавий яқин вақт ичиди янги ҳукумат тузилишини ва унинг раҳбарлигиға Мухаммад ал-Барадей тавсия этилишини маълум қилган эди. Генерал яна айтдики, агар Миср аҳолиси референдумда бунга розилигини изхор этса, ҳарбийлар мамлакат бошқарувида четлашишга тайёрлар. Бироқ, намойишчилар бу тақлифни рад этиб, ҳарбий ҳукуматнинг тезда истеъфого чиқишини талаб қилдилар.

Reuters агентлигининг хабарига кўра, тартибсизликлар бошланганидан буён 39 киши ҳалок бўлди. Тўқнашулар жараёнида ҳам аҳоли, ҳам ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларида мингдан зиёд киши жароҳатланди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЖОРЖ КЛУНИ
БЕРЛУСКОНИ
ҚИЛМИШЛАРИГА
ГУВОҲ

Reuters агентлиги тарқатган хабарга кўра, актёр Жорж Клуни Италиянинг собиқ бош вазири Сильвио Берлускони устидан кўрилатган иш юзасидан Милан судига гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин.

Маълумки, Берлускони марокашлик вояга етмаган раққоса Карима ал-Маруг билан яқин алоқада бўлганлигида айбланмоқда. Бош вазири тақдир этадиган кечаларнинг доимий иштирокчиси бўлган Ал-Маругнинг ёши 17 дан ошмаган. Аслида, Италия қонунлари фоҳишаларни тақиқламайди, фақат улар вояга етган бўлсалар бас!

Жорж Клуни Милан судига тақдим этилган рўйхатдаги гувоҳлардан бири. Улар орасида Клунининг собиқ дугонаси, Италия модели Элизабетта Каналис, ҳатто, жонингаш машҳур футболчи Криштиану Роналду ҳам бор.

Берлускони ўзига юклатилган айбон қатъий рад этмоқда. Агар суд айбини исботласа, у 12 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Собиқ бош вазири устидан суд 2011 йил 2 декабрда давом эттирилиши кутилмоқда.

ЎҚ-ДОРИ ОМБОРИ
ПОРТЛАДИ

The Daily Star нашри Ливиянинг жанубида "Ҳизбуллоҳ" шиа ҳаракати қарашли ўқ-дори омборларидан бири кучли портлаш натижасида йўқ қилинганлиги ҳақида хабар тарқатди.

Халокат Тир шаҳри яқинидаги Сиддикин шаҳарчасидан узок бўлмаган жойда юз берди. Портлаш оқибатида ўлганлар ва ярдор бўлганлар бор-йўқлиги ҳақида маълумотлар тарқатилмади.

"Ҳизбуллоҳ" жангарилари воқеа содир бўлган жойни ўраб олиб, ҳеч қимми, ҳатто, мамлакат полицияси вакиллари ҳам киришмапти. Шунингдек, улар портлашга нима сабаб бўлганини ҳам тушуниришмапти.

Эрталаб портлаш юз берган жой устидан Исроилнинг тўртта жанговар самолёти, кейинроқ эса, БМТ кучларига қарашли вертолёт учиб ўтди.

"Ҳизбуллоҳ" ҳаракати анчагина қурол-аслаҳа ва кўплаб ўз тарафдорларига эга. Ливия экспертлари берган баҳолага қараганда, шиналар ҳаракати отрядлари жанговар қудрат бораида мамлакатнинг расмий қурол кучларига нисбатан анча устун.

Ливиянинг айнан жанубий музофотлари "Ҳизбуллоҳ" жангарилари ва шунингдек, уларнинг асосий қурол-аслаҳалари сақланган жой ҳисобланади.


AFP агентлиги Хитой 2011 йил ноябрь охирида Тинч океани ғарбий қисмида ҳарбий машқ ўтказмоқчи эканлигини маълум қилди.

ТИНЧ ОКЕАНИДА
ҲАРБИЙ МАШҚ

Хитой раҳбарларининг баён қилишларича, ушбу машқларни ўтказиш режалаштирилганига анча бўлди. У умумқабул қилинган халқаро амалиётга мувофиқ ўтади, шунингдек, "ҳеч қандай аниқ бир давлат ёки мақсадга қаратилмаган".

Ҳарбий машқ ҳақидаги хабар АҚШ президенти Барак Обаманинг Австралияга таширифидан сўнг бир неча кун ўтгач эълон қилинди. Ўшанда у Қўшма Штатларнинг Тинч океани минтақасидаги ҳарбий қудратини ошириш, жумладан, Австралиянинг шимолий қисмида 2500 кишилик денгиз пиледалари корпусини жойлаштириш ҳақида маълум қилган.

Машқларда қанча ҳарбий кема ва аскарлар қатнашиши, шунингдек, уни ўтказишнинг аниқ жойи ҳозирча расмий тарзда маълум қилинган йўқ.



СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ
ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Сервер Жепаров, Равшан Эрматов ва Абдуҳамидулла Расулов
2011 йили Осиё футболда тенгсиз деб топилди

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортнинг барча турлари, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор самарасида мамлакатимиз чарм тўп усталарининг халқаро ютуқлари сони ва салмоғи тобора ошмоқда. Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан 2011 йилги футбол мавсумининг турли номинациялари бўйича ғолибларни тақдирлаш маросимида уч нафар ҳамюртимизнинг Осиё китъаси миқёсида тенгсиз деб топилган ҳам бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Миллий терма жамоамиз сардори Сервер Жепаров иккинчи марта Осиёнинг энг кучли футболчиси деб тан олинди. Бу – осиёлик футболчилар учун китъа миқёсидаги энг юксак эътирофдир.

Сервер Ўзбекистон миллий терма жамоасининг "Осиё кубоги –



2011" мусобақасида кучли тўртлиқдан жой олишига, жаҳон чемпионати саралаш мусобақасининг

учинчи босқичига чиқишига муносиб ҳисса қўшди. Жамоа сардори сифатида футболчилари-

мизни ягона мақсад сари бирлаштиришда фаол иштирок этиб, энг муҳим ўйинларда ҳал қилувчи голларга муаллифлик қилди.

Шунингдек, ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов туртинчи бор Осиёнинг энг яхши ҳаками, унинг ёрдамчиси Абдуҳамидулла Расулов эса 2011 йилдаги энг яхши қанот ҳаками сифатида эътироф этилди.

Р. Эрматов жорий йилда "Осиё кубоги – 2011", Осиё чемпионлар лигаси каби китъамиз футболчининг энг нуфузли мусобақаларидаги муҳим учрашувларни, жумладан, финал ўйинларини юксак маҳорат билан бошқарди. А. Расулов эса Равшан Эрматовга ўйинларда ёрдам бериш билан бирга, 2014 йили Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати ва Лондон Олимпиадасининг бир неча саралаш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этди.

Ў.А.

Ў.А.

«ОЛИМПИАДА
ЎЙИНЛАРИ –
2012»

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари саралаш мусобақасининг учинчи босқичи иккинчи учрашувида меҳмонда Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари билан дуранг ўйнади.

ҒАЛАБАГА
ТЕНГ ДУРАНГ

Вадим Абрамов шогирдлари беллашувида бир қатор хавфли вазиятларни юзага келтирди, бироқ кучли таркибга эга рақиб жамоа дарвозасига йўл топа олмади. Ўйин 0:0 ҳисобидаги дуранг билан якунланди.

Шу тариқа Ўзбекистон олимпия терма жамоаси гуруҳдаги пешқадамлик мавқеини сақлаб қолди. Шу кун гуруҳдаги иккинчи учрашув – Ироқ ва Австралия олимпия терма жамоалари ўртасидаги ўйинда ҳам ҳисоб очилмади.

Ў.А.

УМИД

(ҲИКОЯ)

Тоғ қўйнидаги қишлоқ. Иккитагина ертўла уй. Эрак зоти йўқ. Улар урушда. Уч кампир, икки аёл, етти ёшлар чамаидаги ёлғиз қиз. Қишлоқ ахли шу.

Шаҳар узок. Улар қишлоқдан ҳеч қандай чиқишмаган. Бу ерга ҳам бирор кимса келмайдиган. Икки-уч ойда бир келадиган кекса почтачини ҳисобга олмасам ҳам бўлади. У хат олиб келади. Аммо, ўзи ўқишни билмайди, аёллар ҳам.

Сўқбатлашилади. Уруш ҳақида, очлик ҳақида.

Қиз келди. Қакрли қиш. Почтачи урнига унинг ўғли – навқирон, аммо, чўлоқ йигит хат олиб келди. У уруш кўрган. Оёғидан яра-ланган...

Қоронғу, зах ертўла. Ташқарида совуқ зағитга олган. Тепадаги туйнукдан ёруғлик билан бирга изгирин киради.

Пўстақ устиди бир-бирининг пинжига тикилиб ўтирган, кўзлари нурсиз уч кампир, оч, озгин, жудур қишдаги икки аёл, эчки жунидан тўқилган рўмолга ўраб қўйилган нимжон қизалоқ.

Бир чеккада қумгонда сув қайнайдиган. Туйнукдан ташайтган ёруғлик остида йигит ўтиради. Елкадор, қиллари бақувват. Юзида ҳаёт балқийди, нур таралади. Унга ёғоч пиледа дала чўплари солиб дамланган чой ўқийди. У чойдан хўллаб-хўллаб, келтирган хатларини ўқийди. Кампирлар, аёллар йиғлайди. Сўнг йигит уруш ҳақида гапирди. Жангда кўрганларини сўзлайди. Аёллар яна йиғлайди. Қизалоқ қизқиб эшитида. Лекин кўп сўзларни тушунамайди.

– Мен яна урушга бораман, – дейди йигит ярадор оёғига уриб. – Биз енгамиз. Ғалаба қиламиз. Кейин байрам қиламиз. У нимжон қизалоққа юз-

ланади. Пешонасидан ўлади.

– Сен ўқийсан. Тўйиб нон ейсан.

Йигит қалбидан меҳр таралади. Қоронғу ертўла гўё ёришгандай. Совуқ, зах ўрнига гўё баҳор келгандай...

Уруш ҳам тугайди. Қизалоқ марказдаги мактаб-интернатда ўқийди. Тўйиб-тўйиб нон ейди. Олий илм-гоҳни тугатади. Аҳоли билан тўлган қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қилади.

Қиз турмушга чиқади, она бўлади. Буви бўлади. У бахтиёр эди.

Лекин... У ниманидир соғинади. Совуқ қиш қўйнидаги ўша манзара кўз олдидан ҳеч кетмайди. Тўғри-син унута олмайдиган болалигини...

Тоғ бағрида қўй боқиб ўтирган эканман, устозим шу воқеани гапириб берди. Жун рўмолга ўраб қўйилган қизалоқ менинг устозим эди. Биз бир вақтлар ертўла бўлган тепаликда ўтирдик. У оқ рўмолда, серакин кўллари билан ҳассага таянганча ҳаёлга толгандай.

Ҳаёллари узокларга кўчган устозимнинг ўйчан юзларига тикилиб, бугунги фаровон, тинч ва осойишта ҳаётимиз учун шукроналар айтар эканман, негадир менинг кўз олдидида ҳам ўша манзара бироз бошқача тарзда пайдо бўлди...

...Қиш. Изгирин. Ҳарсанг тошлароқ чўлтоқларни, қор кечиб кетаётган кўзлари нури уч кампир, қалбларида илқилик пайдо бўлган икки аёл, жун рўмолга ўралган, юраги эса умидда чулганган қиз...

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.

Частное предприятие "METALL DIZAYN QURILISH", зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хохимията Чиланзарского района г. Ташкента регистр. № 000293-08 от 16 марта 2004г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Гавхар 3-берк кучаси, д. 7 (ИНН 204934395), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение № 1 от 23.11.2011г.).

Частное предприятие "MAKAMA NUR", зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хохимията Чиланзарского района г. Ташкента регистр. № 000293-08 от 16 марта 2004г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Гавхар 3-берк кучаси, д. 7 (ИНН 204934395), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение № 1 от 23.11.2011г.).

Сергели тумани хохимиянинг 2003 йил 15 июлдаги 886-сонли қарорига асосан очилган "KOMOLXON AKK" (ИНН 204618542) хусусий фирмаси тугатилганини маълум қилади. Даво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод қ.ф.й., Даджуаев кўчаси, 54-А уйда қабул қилинади. Мурожаат учун телефонлар: 215-41-07, 339-62-50.

"Ипотекабанк" Меҳнат филиали томонидан Шаумаров Бехоз Шарафмуллоев номига берилган № 0359125 рақамли қавтанца йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Общество с ограниченной ответственностью "Expert Solutions" (ООО "Expert Solutions"), зарегистрированное в Инспекции по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Шайхантахурского района г. Ташкента (реестр. № 004891-09 от 14 февраля 2011 года), расположенное по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурской район, Ц-15, ул. Абая, 2-А, 2-этаж (ИНН 205794174), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол № 38 внеочередного общего собрания участников ООО "Expert Solutions" от 22 ноября 2011г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации данного объявления по тел.: 244-90-95, 244-95-90.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маъзилми: 100000, Тошкент

шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар

бўлими: 236-55-54.

Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета "Тошкент ҳақиқати"

тахририяти компьютер марказида

терили ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир

Жўра САБДУЛЛАЕВ

Навбатчи

Юлдузхон МУҲИДИНОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ